



UNITED STATES COMMISSION ON INTERNATIONAL RELIGIOUS FREEDOM

АҚШ ХАЛҚАРО ДИНИЙ ЭРКИНЛИК БЎЙИЧА КОМИССИЯСИ (АҚШХДЭҚ)

АҚШХДЭҚ НИМА?

АҚШнинг Халқаро Диний Эркинлик Қўмитаси (АҚШХДЭҚ) 1998 йил Халқаро Диний Эркинлик Акти (ХДЭА) асосида ташкил этилган мустақил, бипартизан АҚШ ҳукумат қўмитасидир. ХДЭАнинг қабул қилинишига ёрдам берган кенг қўламли коалиция фундаментал инсон ҳуқуқи бўлган дин ва иймон эркинлигини АҚШ ташқи сиёсатининг марказий компоненти даражасига кўтаришга мақсад қилган. Қонунга кўра, АҚШХДЭҚ универсал ҳуқуқ бўлган дин ва иймон эркинлигини АҚШдан бошқа давлатларда назорат қилади, бу ишда халқаро стандартларга асосланади ҳамда Президент, Давлат Котиби ва Конгресс учун сиёсий тавсиялар беради. АҚШХДЭҚ Комиссарлари Президент ва иккови сиёсий партияларнинг Конгрессдаги етакчилари томонидан тайинланади. Партизан бўлмаган ва профессионал штат АҚШХДЭҚнинг ишига ёрдам беради. АҚШХДЭҚ АҚШ Давлат Департаментидан мустақил бўлган ҳолда, Халқаро Диний Эркинлик бўйича Жаҳон Элчиси *лавозими бўйича* АҚШХДЭҚнинг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаган расмий аъзоси ҳисобланади.

БОШҚА ДАВЛАТЛАРДАГИ ДИНИЙ ЭРКИНЛИК НИМА

Дин ва иймон эркинлиги халқаро инструментларда тан олинган муҳим инсон ҳуқуқидир. Умумжаҳон Инсон Ҳуқуқлари Декларациясининг 18 моддасида шундай дейилган: ...“Ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эгадир; бу ҳуқуқ ўз дини ёки маслагини ўзгартириш эркини, ўз дини ёки маслагига яқка тартибда ёки бошқалар билан биргаликда, таълимот, тоат-ибодатда ҳамда диний расм-русумлар ва бошқа шунга ўхшаш маросимларни адо этишда халойиқ билан биргаликда ёки хусусий тарзда эътиқод эркинлигини қамраб олади.” Дин ва иймон эркинлиги кенг ҳуқуқ бўлиб фикрлаш ва виждон эркинлигини ўз ичига олади, ва фикрни ифодалаш, йиғилишлар ва уюшмалар ўтказиш ҳуқуқлари билан боғлиқдир. Ушбу эркинликни ташвиқ қилиш АҚШ ташқи сиёсатининг муҳим компонентиدير.

АҚШХДЭҚ НИМА ҚИЛАДИ

- Ҳар йилнинг 1 Май кунидан аввал **Йиллик Ҳисоботни чоп этади**. Ушбу ҳисобот АҚШ ҳукумати томонидан ХДЭАнинг ижро этилишини баҳолайди; Давлат Котибига “диний эркинликни систематик, давомий, яққол намоён бўлган равишда” бузган ёки бундай ҳаракатларни бар тараф этишга уринмаган давлатлар “Махсус Эътибордаги Давлат” сифатида эътироф этилиши ҳақида маслаҳат киритади, 30дан ортик давлатлардаги ҳолатни қайд қилади, муҳим йўналишлар ҳақида ҳисобот тайёрлайди, ва АҚШ сиёсати ҳақида маслаҳатлар беради. АҚШ Давлат Департаментининг диний эркинлик ҳақидаги халқаро ҳисоботидан фарқли ўларок, АҚШХДЭҚ Йиллик Ҳисоботи муайян сиёсий тавсияларни ўз ичига олади.
- Конгресс идоралари билан ҳамкорликда ишлаш орқали Конгрессни **Жалб қилади**, жумладан қонунчилик бўйича тавсия беради, эшитишларда гувоҳлик беради ва диний эркинлик масалалари

бўйича брифинглар ўтказди. Масалан, АҚШДЭҚ Конгрессни қуйидаги масалалар бўйича жалб қилган: халқаро диний эркинликни ҳимоя қилиш; динни таҳқирловчи бўлган қонунларнинг хавфи; геноцид; қочоқлар масалалари, Хитой, Миср, Эрон, Сурия, Вьетнам ва бошқа давлатлардаги диний эркинлик бузилишлари; Европадаги анти-Семитизм ва мусулмонларга қарши бидъат; бутун дунёда виждон эркинлиги учун қамалганларнинг мушкул аҳволи.

- **Ижро Органини жалб қилади:** АҚШДЭҚ мунтазам равишда Ижро Органи мансабдор шахслари, жумладан Давлат Департаменти ва Миллий Хавфсизлик Департаменти билан маълумот бўлишиш, ташвишли ҳолатларга эътибор бериш ва АҚШДЭҚнинг АҚШ сиёсати масаласида тавсияларини кўриб чиқиш мақсадида учрашади .
- **Диний Эркинликнинг Чет Элдаги Ҳолатини Қайд Қилади** юқори лавозимдаги давлат мансабдор шахслари, нодавлат ташкилотлар вакиллари, диний раҳнамолар, таъқиб қурбонлари, ва диний эркинликни тарғиб қилувчи бошқа манфаатдорлар билан учрашиш орқали. Қуйидаги давлатларга ташриф буюрилган: Афғонистон, Озарбайжон, Баҳрайн, Бангладеш, Беларус, Бирма, Марказий Африка Республикаси, Хитой, Миср, Эритрея, Эфиопия, Индонезия, Ироқ, Нигерия, Покистон, Россия, Саудия Арабистони, Шри Ланка, Судан, Сурия, Тожикистон, Туркия, Туркменистон, Ўзбекистон ва Вьетнам.
- **Турли Мавзуларда Тавсия билан Ҳисобот, Пресс-Релиз, ва Журнал Мақолалари Чоп Этади,** жумладан: динни таҳқирловчи қонунларнинг дунё бўйича ишлатилиши; Путиннинг Россияда диний эркинликни таҳдид остига қўйиши; виждон эркинлиги учун қамалган исонлар; дунё бўйича диний эркинликнинг аёлларнинг ҳуқуқларига ёрдам бериши; сектантлик зўравонликлари; Бирмадаги диний эркинлик бузилишлари; анти-Семитизм; ва қочоқ статусини сўраганларнинг АҚШ давлати томонидан Тезлаштирилган Чикариш жараёнидаги муносабати.
- **Кўп томонлама жалб қилади:** диний эркинлик ва толерантлик масаласидаги учрашувларда, жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилот (ЕХХТ), ва Европа Игтифоқи, ҳамда Дин ва Иймон Эркинлиги учун Парламентарийларнинг Халқаро Панели (ДИЭ-ПХП).